

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида


УДК: 330.5 (575.1)

**САМАДҚУЛОВ МУХАММАД ИСЛОМ ЎҒЛИ**

**МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИННОВАЦИОН  
САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
илмий даражасини олиш учун тайёрланган  
**ДИССЕРТАЦИЯ**



Тошкент – 2022

001  
2-28

<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>I-БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ИННОВАЦИОН САЛОҲИАТИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ</b> .....	13
1.1-§. Инновацион салоҳият тўғрисидаги турли хил назария ва концепциялар эволюцияси.....	13
1.2-§. Инновацион салоҳиятнинг иқтисодий мазмуни ва таркибий қисмлари.....	27
1.3-§. Инновацион салоҳият шаклланиши ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар.....	38
I-боб бўйича хулосалар.....	52
<b>II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИННОВАЦИОН САЛОҲИАТИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ДАРАЖАСИ</b> .....	54
2.1-§. Инновацион салоҳиятдан фойдаланиш даражасини баҳолаш услубияти ва унинг Ўзбекистонда қўлланилиши.....	54
2.2-§. Республиканинг инновацион салоҳиятидан фойдаланиш ҳолати ва унинг қиёсий таҳлили.....	70
2.3-§. Инновацион салоҳиятдан фойдаланишнинг хориж тажрибалари ва уларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари.....	85
II-боб бўйича хулосалар.....	104
<b>III-БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИННОВАЦИОН САЛОҲИАТИ-ДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ</b> .....	99
3.1-§. Инновацион салоҳиятдан самарали фойдаланишнинг давлат ва бозор механизмларини такомиллаштириш йўналишлари.....	99
3.2-§. Республикада инновацион кластерларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари.....	113
3.3-§. Инновацион лойиҳаларни молиялаштириш механизмини такомиллаштириш йўллари.....	128
III-боб бўйича хулосалар.....	142
<b>ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР</b> .....	143
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b> .....	147
<b>ИЛОВАЛАР</b> .....	

## КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ресурслар чекланганлиги билан бир қаторда глобаллашув тенденцияларининг чуқурлашуви ва рақобатнинг кучайиши, ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг мураккаблашуви ҳамда товар ва хизматлар диверсификациясининг кенгайиши шароитида инновацион салоҳиятдан самарали фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. “Инновацион салоҳиятни ошириш бўйича жаҳонда етакчи 10 та мамлакатлар, яъни, Швейцария, Нидерландия, Швеция, Буюк Британия, Сингапур, АҚШ, Финляндия, Дания, Германия ва Ирландиялар йилига ЯИМга нисбатан ўртача 2,5-4,0 фоиз атрофида маблағлар ажратмоқда”<sup>1</sup>. Бугунги кунда жаҳон бозорида рақобатнинг тобора кучайиб бориши шароитида ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг энг асосий асосий омиллардан бири бўлган инновацион салоҳият даражасини ошириш билан бир қаторда ундан самарали фойдаланиш долзарб муаммо ҳисобланмоқда.

Жаҳонда кейинги йилларда инновацион салоҳиятни, хусусан, илмий-техник, инвестицион, интеллектуал, инфратузилмавий ва малакали ишчи кучи салоҳиятини ошириш, улардан самарали фойдаланишга йўналтирилган илмий изланишларга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада интеллектуал салоҳиятни ностандарт ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни эътиборга олган ҳолда ошириш, инфратузилмавий фаолиятни молиявий дастакларга кўра рағбатлантириш, миллий инновацион тизимнинг самарали амал қилиш механизмларини хусусий ва давлат тузилмалари интеграциясини самарали уйғунлаштириш ҳамда инновацион салоҳиятдан модернизациялашув ва диверсификация даражасини оширишда самарали фойдаланиш каби йўналишдаги тадқиқотлар устувор даражада бажарилмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодиёт соҳаларига инновацияларни кенг жорий қилиш, инновацион фаолият субъектлари, айниқса, саноат ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, технопарклар, трансфер марказлари, инновацион кластерлар,

<sup>1</sup> <https://www.vestifinance.ru/articles/104063;chapter3.pdf>

[https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo\\_pub\\_gii\\_2018-](https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2018-)